

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2023 йил август ойининг 17 куни, жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман суди маъмурий биносидан, Тошкент шаҳри билан видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очик суд мажлисида раислик қилувчи К.Назаров, Қ.Зубайдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Денов туман прокурорининг ёрдамчиси А.Абдуллаев, жабрланувчи Ў.Алиев ва унинг вакили адвокат Р.Қутибеков, судланувчи М.Тошбоев ва унинг ҳимоячиси - адвокат П.Хасанов, судланувчи Э.Тошбоев ва унинг ҳимоячиси - адвокат Б.Мирзакулов, судланувчи Ф.Йулчев ва унинг ҳимоячиси - адвокат И.Менгликуловнинг иштирокида, судланувчи Тошбоев Малик Эркин ўғли, Тошбоев Эшбой Эркин ўғли ва Йулчев Фарход Чоли ўғлига нисбатан 1-1910-2301/111-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Тошбоев Малик Эркин ўғли- 2000 йил 12 май куни Денов туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз, депутатликка сайланмаган, судланмаган, вақтинча ишсиз, Денов тумани «Блтир» маҳалласида яшайди, иш бўйича унга «Гаров» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди, 28,109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Тошбоев Эшбой Эркин ўғли- 1995 йил 12 май куни Денов туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз, депутатликка сайланмаган, судланмаган, вақтинча ишсиз, Денов тумани «Блтир» маҳалласида яшайди, иш бўйича унга «Гаров» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди, 28,109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Йулчев Фарход Чоли ўғли- 1990 йил 12 май куни Денов туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз, депутатликка сайланмаган, судланмаган, вақтинча ишсиз, оилали, бир нафар фарзанди бор, Денов тумани «Блтир» маҳалласида яшайди, иш бўйича унга «Гаров» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди, 28,109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



а н и қ л а д и:

Тошбоев Малик, 2023 йил 27 апрель куни соат 23:30 ларда акаси Тошбоев Эркин ва қариндоши Йулчев Фарход билан бир гуруҳга бирлашиб, жиноий режа тузишиб, тузилган жиноий режага кўра, Денов тумани “Блтир” маҳалласи ҳудудида яшовчи фуқаро Алиев Кобил Полвоновичнинг яшаш уйи ёнида, маҳалладоши Алиев Ўткир билан ариқдаги сув масаласида жанжаллашиб қолишиб, жанжал вақтида қўл ва оёқлари билан Ў.Алиевнинг юзи, боши, оёқлари ва танасининг дуч келган жойларига қасддан уриб тепишиб, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 20 июндаги 5-сонли хулосасида, Ў.Алиевнинг баданида яъни ўрта ўмров чизиғи бўйлаб 7-8-қовурғалар равоқ соҳасида жароҳат ўрни, юқори жағи 6-тиши чапдан тишловчи эмал ташқи томонидан кемтиклиги, чап сони ўрта учлиги тизза бўғими, чап болдир пастки учлиги ошиқ бўғими билан айланасимон гипс боғлами борлиги, бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош мия лат ейиши енгил даражаси, бошнинг пешона, иккала чакка, бўйин соҳаси ва иккала биқин соҳаси юмшоқ тўқима эзилиши, ўнг кўз қовоқлари кўқарган жароҳати, кўкрак қафаси юмшоқ тўқима эзилиши, чап тизза бўғими юмшоқ тўқима эзилиши шилинган жароҳатлари, чап тизза бўғими гемартрози, чап тизза бўғими ташқи ён бойламалари боғламлари тўлиқ бўлмаган узилиши, ўнг тизза соҳаси шилинган жароҳатлари, бурун суягини ёпиқ синиши, бурун тўсиғи деформацияси, ўнг томонлама постравматик отит, иккала кўз олмаси ўрта даражадаги контузияси, қовоқ юмшоқ тўқима лат ейиши, тери ости гематомаси каби тан жароҳатлари борлиги, ўтмас қаттиқ чегараланган ёки чегараланмаган юзага эга ёки шунга ўхшаш жисмларни, зарб сиқилиш, қисилиш, ишқаланиш, чайқалиш, чўзилиш ва хоказолар механизми таъсирида етказилган бўлиши мумкинлиги, ушбу жароҳатлар морфологик хусусиятлари, ранги, туси, ҳолатига кўра эксперт кўригидан тахминан 34-36 сутка муддат ичида етказилган бўлиши мумкинлиги, тан жароҳатлари яъни бурун суяклари силжиб синиши, репозициядан кейинги ҳолати асорати бурун нафас функцияси қисман бузилиши каби тан жароҳати оғирлик даражасига кўра, “Ўртача оғирликдаги тан жароҳати” эканлиги, ўнг тарафлама 7-8-қовурғаларни ёпиқ синиши каби тан жароҳати оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғирликдаги тан жароҳати” эканлиги, чап тизза бўғими лат ейиши ва қон қуйилиши каби тан жароҳати оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғирликдаги тан жароҳати” эканлиги, бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг енгил даражада лат ейиши (иккала кўз олмаси ўрта даражадаги контузияси, қовоқ юмшоқ тўқима лат ейиши, тери ости гематомаси, ўтказилган бош мия жароҳати, астено невротик гипертензион синдроми асорати) каби тан жароҳати оғирлик даражаси бўйича “Соғлиқнинг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати” эканлиги маълум қилинган.

Тошбоев Малик Эркин ўғли, Тошбоев Эшбой Эркин ўғли ва Йулчев Фарход Чоли ўғли жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” бандидаги жиноятни қасдан содир этишган.

Судда сўралган судланувчи М.Тошбоев, айбига иқрорлик билдириб, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, 2023 йил 27 апрель куни эрталабдан кечки пайтга қадар ер майдонига экилган буғдойни суғориш ишлари билан маҳалла худудидаги сув ариқ бўйлаб юриб дала ер майдонига сув ўтказиш ишлари билан шуғуллангани, соат 22-30 ларда ер майдонига келаётган сув камайгани учун ариқнинг банд солинган жойига ўша куни ўзининг ер майдонини суғориш билан шуғулланиб юрган Холмурод бобо билан унинг Жигули автомашинасида биргаликда келганида банд солинган жойда қўшни маҳаллада яшовчи фермер Алиев Ўткир ва Шами ўтиришганини кўриб, уларга сув камайиб кетганини айтганида Ўткир унга “тепага чиқиб сув ёқалаб келайлик” деб айтгани, кейин келишганидан сўнг у ердан Шами Лабо автомашинасида сувнинг бошига томон кетгани, шу пайт Ўткир ўзининг Дамас автомашинасига ўтириш учун кетиб автомашинасини миниб келганида Холмурод бобонинг Жигули автомашинаси ўт олмай қолгани, Ўткир унга қўшилишлар деди, кейин Холмурод бобо ўзимиз борамиз деганида Ўткир кетгани, автомашинани ўт олдириб улар ҳам уларнинг ортидан боргани, шунда 200 метр юрганидаги Ўткир ўзининг фермер хўжалиги ер майдонига сувни йўналтирганини ариқдаги банд солинган жойдан кўриб шу ерда тўхатаган Ўткирнинг ўзига “ака буни ёпайлик бизга сув ўтмай қолди, камайиб кетди” деб тушунтирганида Ўткир “мен сувга эгаман биринчи мени буғдойим сув ичади кейин сенлар ичасан” деганида унга “мироблар сувни тақсимлаб берган сиз эмас халқ ҳам сув ичади” деб айтиб у билан тортишиб қолгани, шунда у хаво рангли ёқасиз ва енгсиз олди чап кўкрак соҳасида эмблемали ва бел соҳаси резинали бўлган футболкани қўли билан ушлаб йиртиб ташлагани, шунда у ҳам Ўткир билан ёқалашиб кетгани, шунда у қорнига бир маротаба урганида ерга йиқилиб қолгани, шунда у устидан босиб олиб қорнига яна бир неча маротаба уриб ташлагани, у эса унинг тагидан бир амаллаб чиқиб олгани, кейин мен у ердан кетаётганида у яна ортидан қувиб ушлаб олгани, шунда унга “ака яна уруш қилсак сиз мени ёзиб берасиз сиз билан уруш қилмайлик” деганида у “мен ёзмайман сенга ўхшаб кўт эмасман ёзиб берадиган” деб айтиб “сенга ўхшаганларни онасиникига тиқиб юбораман” деб ҳақорат қилгани, кейин уни ҳам жажли чиқиб у билан ёқалашиб уришиб кетгани, Ўткир шу ерда бўлган укаси Содиқни ҳам чақиргани, уларга иложи етмаганини билиб қочмоқчи бўлганида Содиқ югуриб келиб қўлида нима биландур уни урмоқчи бўлганида ерга энгашиб қолгани, қўлидаги қаттиқ жисм Ўткиргга тегкани, қоронғу бўлгани учун қаерига текканини кўрмагани, у ердан қочиб кетганини, акалари Тошбоев Эшбой ва жияни Фарход даланинг боши бўлганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, етказилган зарарни тўлиқ тўлаб бергани, жабрланувчи билан ярашиб олганини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўради.



Судда сўралган судланувчи Э.Тошбоев, айбига иқрорлик билдириб, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, 2023 йил 27 апрель куни соат 20-00 ларда Шўрчи тумани марказига яқин жойдаги савдо дўконидан яшаш уйига борганида отаси Чолиев Эркин унга телефон қилиб “чойингни ичиб тур далага сувга борамиз” деб айтгани, соат 21-30 ларда отаси Э.Чолиев уйга келгани, кейин даладаги буғдойни суғориш учун юрган укаси Тошбоев Маликга уйдан овқат олиб отаси билан биргаликда йўлга чиқиб далага борганида сув келгани йўқлигини кўргани, шу ерда укаси Тошбоев Малик овқатланиб олгани, соат 22-30 ларда далага ариқдан сув келгани, соат 23-00 ларда дала ёнида даласи бўлган маҳалладоши Хонимқулов Холмурод келиб мироб ариқнинг бошига чақираётганини ва сувни кўпроқ очиб келиш кераклигини айтгани, кейин Малик билан Холмурод бобо Жигули автомашинасида даладан ариқнинг сув келиш жойига томон кетишгани, у эса отаси билан далада қолгани, кейин сув яна қуриб қолгани, орадан 1 соат ўтганда ҳам Малик ва Хонимқул боболар келмайвермагани, ўша вақтда уларнинг олдида жияни Йулчев Фарход келиб қолгани, Маликдан хавотирланиб Ф.Йулчевнинг Нексия-3 русумли автомашинасида улар кетган томонга қараб боришгани, фермер Алиев Ўткир, Холмурод бобо ва яна бир фермер Шами ҳамда Ўткир аканинг укаси Содиклар ариқ бошида ўтиришганини кўриб уларнинг олдида тўхтагани, ўша вақтда ариқдаги сувни Ўткир ўзининг фермер хўжалиги даласига очиб олганини кўргани, автомашинадан тушиб Ўткирнинг олдида бориб унга “бизга сув бормай қолди икки қулоқни ҳам очиб юборибсиз бизнинг сувни очиб беринг” деганида у “мени 200 гектар ерим бор сени 20 сотух жойинг бор сув йўқ сенга онангни сикай” деб ҳақоратлаб унга ёпишиб елкасига тепиб қўли билан юзига муштлаб уриб кетгани, шу ерда жанжал бўлганини, Содик орқа томонидан келиб тош билан бошининг орқа қисмига бир маротаба ургани, Фарход жияни Содикни тортиб четга олиб ўтгани, Ўткирни эса Шами ва Холмурод боболар тортиб ажратишгани, ўша вақтда ўша вақтда мен бирон кишини урганим йўқ, соғлигим ёмонлашиб бошим айланиб автомашина орқа томонига ўтиб қайд қилиб қолгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, етказилган зарарни тўлиқ тўлаб бергани, жабрланувчи билан ярашиб олганини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган судланувчи Ф.Йулчев, айбига иқрорлик билдириб, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, 2023 йил 27 апрель куни соат 23-00 ларда ер майдонга экилган пиёз ва буғдойни суғораётганида ариқдаги сув камайиб қолганини билгани, у билан бирга бўлган отаси Йулчев Чоли бориб ариқнинг бошини кўриб келгин дегани учун отасига тегишли Нексия-3 русумли автомашинада маҳалладоши Мансур ва Ўрол билан биргаликда сув ёқалаб йўлга чиққани, йўлда кетаётган вақтида ариқнинг банд солинган жойида маҳалладоши Алиев Ўткир билан тоғаси Чолиев Эркиннинг ўғиллари Эшбой ва Маликлар сувнинг устидан тортишиб турганини ҳамда уларнинг олдида Ўткир аканинг укаси Содик ва Шами фермерлар



турганлигини кўргани, у борган вақтида улар дастлаб тортишиб туришиб кейин Ўткир ака билан Эшбойлар бир-бирларини уриб кетишгани уларни шу ерда бўлганлар билан биргаликда ажратишга ҳаракат қилгани, шу пайт Шами фермер уни ҳам жанжалга аралашяпти деб ўйлаб қўли билан тортганида унга ажратаётганини, уриш қилмаётганини айтгани, ўша вақтда Ўткир билан Эшбой жанжаллашгани, жанжалга аралашмаганини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, етказилган зарарни тўлиқ тўлаб бергани, жабрланувчи билан ярашиб олганини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган жабрланувчи Ў.Алиев кўрсатувида, 2015 йилдан ҳозирга қадар Денов тумани “Блтир” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Пахтакор жасорати” номли фермер хўжалиги раҳбари сифатида фаолият юритиб келгани, фермер хўжалиги ер майдони 103 гектар бўлиб, 48 гектари пахта, 55 гектари ғалла ер майдони ҳисобланиб, ҳар йили муддатидан илгари режаларни ўз вақтида топшириб келишини, 2023 йил 27 апрель куни ғалла майдонини суғоргани ва шу куни ушбу масалада ариқдаги сув бўйлаб ер майдонимга сув борадиган ариқнинг олдида яъни маҳалладоши Алиев Камолнинг яшаш уйи яқинида яна бир унга ўхшаган фермер Мамаражабов Шами билан ўтирган вақтида соат 20-00 ларда маҳалладоши Чолиев Эркин ва ўғли Тошбоев Эшбой олдида келишгани, улар ҳам ўзларига тегишли ер майдонини суғориб юрганликларини айтишгани ва улар билан ер майдонига ариқдаги сувнинг кетаётган ҳажмини ўзаро келишиб олишгани, улар сувларини кўриб кетишгани, Мамаражабов Шами билан ариқдаги сув ёқалаб сувни бош қисмидан кўпайтириб яна ўтирган жойига қайтиб келиб сухбатлашиб ўтирганида соат 23-30 ларда олдида маҳалладошим Хонимқулов Холмурод бобо ўзининг Жигули автомашинасида Тошбоев Малик билан биргаликда келиб автомашинани йўлнинг четида тўхтатишиб олдида келишиб сўрашишгани, кейин шу пайт Тошбоев Малик уни сенсираб “нимага ариқ қулоғини ўзинга очиб юборгансан” деб у билан уруш қовлаганида унга тўғри тушунтириб “отанг билан сувни келишиб олдик, сенинг даланга ҳам сув нормада боряпти” деб айтгани, М.Тошбоев унга “сувни ёпасан” деб туриб олгани, шунда унга келишиб олганини айтишига қарамай ўзаро жанжаллашиб ёқасидан ушлаб ерга йиқитиб олиб ўнг қулоғига бир мушт уриб ўрнидан туриб қочиб кетгани, шунда ўрнидан турганича у шу ердаги буғдой даласига қочиб йўқолиб қолгани, ўша вақтда ушбу ҳолатни Мамаражабов Шами ва Малик билан бирга келган Хонимқулов Холмурод акалар кўришгани, шу ерда уст-бошини чангдан тозалаб яна ўтирган вақтида тахминан 20-25 минутлар ўтиб Нексия-3 автомашинаси келиб тўхтагани, автомашинадан ундан қочиб кетган Маликнинг акаси Тошбоев Эшбой ва унинг ортидан жияни Йулчев Фарход тушиб у томонга келишгани, Эшбой олдида келиб “нима гап” деб ўтирган ҳолатида орқа томонига ўтиб қўли билан бўйинини қаттиқ бўға бошлагани, қўли билан ундан чиқиб кетишга



ҳаракат қилганида Фарход кўлидан қайтариб ушлаб, кўкрак қафасига кўли билан ура бошлагани, шу ерга Малик ҳам югуриб келиб кўли билан дастлаб бурнига, бошига, кўзига оғзига мушти билан ура бошлагани, у Эшбой бўйнидан бўғиб ўнг биқини ва қовурғаларига ураётгани учун ўзини ўнглай олмай қолганида шу ерга Тошбоев Сирожиддин келиб оёғи билан чап ва ўнг оёқларига тепа бошлаганида, у ўша вақтда Эшбой қўйиб юбормасдан бўғиб олгани учун нафаси қисилиб хириллаб ўзини ташлаб юборгани, Эшбой уни бўйнидан қўйиб юбориб ўзи ва Малик, Фарход ва Сирожиддин билан танасининг дуч келган соҳаларига оёқлари билан тепиб ташлагани, ўша вақтда хушини йўқотиб қўйиб нафаси қисилиб қолгани учун ерга ётиб бироздан сўнг ўзига келганида атрофида Шами, укаси Содик ва ишчи Чоли ака ҳамда Холмурод боболар туришгани, уни урганларнинг шу ерда бор йўқлигига эътибор бермагани, ҳозирда судланувчилар билан ярашиб олгани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини маълум қилди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчининг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Тошбоев Малик Эркин ўғли, Тошбоев Эшбой Эркин ўғли ва Йулчев Фарход Чоли ўғлининг айби ўзининг тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, судда сўралган жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган далиллар, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фотосуратлари, аризалари, тушунтириш хатлари ва жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида текширилган далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Тошбоев Малик Эркин ўғли, Тошбоев Эшбой Эркин ўғли ва Йулчев Фарход Чоли ўғлининг жинойий ҳаракатларини бир гуруҳ шахслар бўлишиб қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишдаги жиноятни содир этганликда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” билан тўғри квалификация қилган бўлса-да, бироқ ЖКнинг 28,109-моддаси 2-қисми билан нотўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сонли Қарорининг 2-бандида, Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши лозим. 3-бандида, Жиноят кодекси 104-110-моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқади. Агар



айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламасада, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилинади. 4-бандида, Баданга ҳар қандай оғирлик даражасида қасддан етказилган шикаст учун жавобгарлик айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан, ЖК 104-110-моддаларида кўрсатилган оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлишини тақозо этади. Агар мазкур оқибатлар, гарчи улар айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари билан боғлиқ бўлсада, бироқ организмнинг индивидуал хусусиятлари ёки кўрсатилган тиббий ёрдам тегишлича бўлмаганлиги, жабрланувчининг унга етказилган зиён оғирлашишига сабаб бўлган ўз ҳаракатлари, айбдорнинг қасди билан қамраб олинмаган бошқа ҳолатлар туфайли келиб чиққан бўлса, қилмишни Жиноят кодексининг кўрсатилган моддалари билан квалификация қилиш учун асослар бўлмайди. 5-бандида, Судларга тушунтирилсинки, ЖК 104, 105, 109-моддалари биринчи қисмларида қайд этилган баданга етказиладиган турли даражадаги шикаст белгилари доираси қатъийдир. Бунда баданга етказилган шикаст муайян даражадаги оғирликка тааллуқлилигини эътироф этиш учун улардан биттаси етарли бўлади. Агар баданга етказилган шикаст оғир, ўртача оғир ёки енгил хусусиятга эга эканлигини кўрсатувчи бир неча белги мавжудлиги аниқланса, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда ҳамда суд ҳукмида уларнинг барчаси баён этилиши шарт. Айбдорнинг қасддан қилган ҳаракатлари оқибатида жабрланувчи баданига оғир шикастдан ташқари бошқа оғирлик даражасидаги шикаст етказилган ҳолларда, қилмишни Жиноят кодексининг баданга енгилроқ даражада шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Тошбоев Малик Эркин ўғли, Тошбоев Эшбой Эркин ўғли ва Йулчев Фарход Чоли ўғлининг айбидан ортиқча малакалангани сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,109-моддаси 2-қисмини чиқаришни лозим топди.

Суд, судланувчи Тошбоев Маликга жазо тайинлашда унинг айбига иқдор ва пушаймонлиги, оилавий шароити, судланмаганлигини, етказилган зарарни бартараф қилиб, жабрланувчи билан ярашганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб эътироф этишни лозим топди.

Суд, судланувчи Тошбоев Эшбойга жазо тайинлашда унинг айбига иқдор ва пушаймонлиги, оилавий шароити, судланмаганлигини, етказилган зарарни бартараф қилиб, жабрланувчи билан ярашганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини



енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб эътироф этишни лозим топди.

Суд, судланувчи Йулчев Фарходга жазо тайинлашда унинг айбига иқрор ва пушаймонлиги, оилавий шароити, судланмаганлигини, етказилган зарарни бартараф қилиб, жабрланувчи билан ярашганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб эътироф этишни лозим топди.

Жабрланувчи Ў.Алиев судга ариза билан мурожаат қилиб, унда судланувчилар билан ўзаро ярашганликларини, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаб берилганини, ундан кечирим сўрашганликларини ва уларни кечирганлигини, уларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини маълум қилиб, уларга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 71-моддасида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкинлиги;

ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 6-бандида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддасига мувофиқ шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариши назарда тутилган.

Суд, судланувчи Тошбоев Маликга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги қарори тушунтиришларига амал қилган ҳолда ишдаги енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, судланувчи Тошбоев Маликни ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбдор деб топишни ва жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариши;

-унга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни ва гаровга қўйилган вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.600.000 сўм пулларни унинг ўзига қайтаришни;

-судланувчи Тошбоев Эшбойга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги қарори тушунтиришларига амал қилган ҳолда ишдаги енгиллаштирувчи ҳолатларни,



шунингдек содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, судланувчи Тошбоев Эшбойни ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбдор деб топишни ва жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариши;

-унга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни ва гаровга қўйилган вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.600.000 сўм пулларни унинг ўзига қайтаришни;

-судланувчи Йулчев Фарходга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги қарори тушунтиришларига амал қилган ҳолда ишдаги енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, судланувчи Йулчев Фарходни ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбдор деб топишни ва жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариши;

-унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни;

-жабрланувчи Ў.Алиевнинг даъвоси йўқлигини эътироф этишни;

-тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 497³, 497⁴-моддаларини қўллаб, суд

ҳ у к м қ и л д и :

Тошбоев Малик Эркин ўғлини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” бандидаги жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва ЖКнинг 71-моддасига мувофиқ жазодан озод қилинсин.

Тошбоев Малик Эркин ўғлига нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровга қўйилган вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.600.000 сўм пулларни унинг ўзига қайтарилсин.

Тошбоев Эшбой Эркин ўғлини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” бандидаги жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва ЖКнинг 71-моддасига мувофиқ жазодан озод қилинсин.

Тошбоев Эшбой Эркин ўғлига нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровга қўйилган вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.600.000 сўм пулларни унинг ўзига қайтарилсин.

Йулчев Фарход Чоли ўғлини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” бандидаги жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва ЖКнинг 71-моддасига мувофиқ жазодан озод қилинсин.



Йулчев Фарход Чоли ўғлига нисбатан қўлланилган “муносиб ҳуққ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳуққ қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Ў.Алиевнинг даъвоси йўқлиги эътироф этилсин.

Ҳуққдан норози тарафлар ҳуққ эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ва жабрланувчи ҳуққ нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

К.Назаров

Аслига тўғри

К.Назаров

